ЭХ

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА
№ 1/22-У - СОН

Тошкент ш. **“18” март 2022 йил**

«Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси номидан Устав асосида иш юрутувчи Директор **Мухитдинов А. Х.** (кейинги ўринларда – Буюртмачи) бир томондан ва **«ALTENCOM LIMITED» МЧЖ** номидан Директор **Азизов А.Т.** (Устав, Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи (кейинги ўринларда – Ижрочи) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) чет элдан олиб келинадиган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишга оид хизматлар(ишлар)и кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида шартномани (кейинги ўринларда – Шартнома) тузилар:

1. Шартнома предмети ва нархи

1.1. Божхона расмийлаштируви хизматларини кўрсатиш тўғрисида.

1.2. Ушбу Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, 10 (ўн) банк куни ичида Буюртмачи Ижрочининг ҳисоб рақамига шартноманинг умумий миқдори **305 000 000 (Уч юз беш миллион)** сўмни 30 фоизи миқдорини олдиндан тўлаб беради, бу **91 500 000 (тўқсон бир миллион беш юз минг)** сўмни ташкил этади.

1.3. Тарафлар Шартнома тузилганда ва Ижрочининг хизматларидан фойдаланиш жараёнида у билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурдирлар. Хизматлар учун барча тўловлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

2. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

2.1. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

2.2. Ой якуни натижалари бўйича Ижрочи кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси (бундан кейин - Далолатнома) ва электрон шаклдаги ҳисоб-фактурани кейинги ойнинг 5 санасига қадар Буюртмачига тақдим этади.

2.3. Буюртмачи тақдим этилган Далолатномани 5 (беш) банк иш куни мобайнида ўрганиб чиқади ва эътирозлари мавжуд бўлмаса, Ижрочи томонидан тақдим этилган Далолатномани имзолайди. имзоланган

“ELEKTRON HUKUMAT LOYIHALARINI BOSHQARISH MARKAZI DAVLAT MUASSASASI
YURIDIK XIZMATI
№ 36/2022
2022 y. « 18 » март

далолатнома электрон шаклдаги ҳисоб-фактурани тасдиқлаш учун асос бўлади. Электрон шаклдаги ҳисоб-фактура тасдиқлангандан кейин (беш) банк иш куни ичида Буюртмачи ҳисоб-фактурага асосан тўловни Ижрочининг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Буюртмачида эътирозлар мавжуд бўлган тақдирда эса мазкур эътирозларни расмий хат орқали кўрсатилган муддатда бартараф этиш учун Ижрочига тақдим этади.

2.5. Мазкур Шартнома бўйича хизмат учун тўлов муддатларини бузганлиги учун Ижрочи Буюртмачидан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50% фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

Пеня тўлаш тўғрисидаги даъво ёзма шаклда, Ижрочининг ваколатли вакили томонидан имзоланган ва кечикиш муддати тугаган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календарь кунидан кечиктирмай Буюртмачига тақдим этилиши лозим.

2.6. Мазкур Шартнома бўйича хизматларни кўрсатиш шартларини бузганлик, хизматларни қисман кўрсатиш ёки сифатсиз хизматларни кўрсатганлиги учун Буюртмачи Ижрочидан 0,5 фоиз миқдорида пеня ундиришга ҳақли, бироқ, бунда пенянинг умумий миқдори олдинги ҳисобот даври учун хизматларининг ҳар бир куни учун сифатсиз хизматларнинг қийматининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

2.7. Буюртмачининг ваколатли вакили томонидан имзоланган ва сифатсиз хизмат кўрсатиш тугаган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календарь кунидан кечиктирмай Пеня тўлаш тўғрисидаги даъво ёзма шаклда Ижрочига тақдим этилиши лозим.

Тегишли даражада расмийлаштирилган ёзма даъво бўлмаса ёки ушбу даъво сифатсиз хизматлар кўрсатганлик учун муддат тугаган кундан эътиборан 45 (қирқ беш) календарь куни ўтгандан кейин тақдим этилган тақдирда, пеня ундирилмайди ва тўланмайди.

2.8. Томонлар мазкур Шартнома бўйича олган мажбуриятларини бажармаганлиги ва етарли даражада бажармаганлиги учун жарима тўлаши ва етказилган зарар қоплаши, уларнинг мазкур Шартнома бўйича олган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

2.9. Томонлардан бирининг Шартнома бўйича мажбуриятларни бузганлик учун жарималар қўллаш чоралари фақат ҳуқуқлари бузилган Томондан юборилган жазо чораларини қўллаш тўғрисида олдиндан ёзма хабарнома берилган тақдирда қўлланилиши мумкин. Жазо чораларини қўллаш ҳуқуқи бузилган Томоннинг ҳуқуқи ҳисобланади, аммо мажбурий эмас. Ҳеч бир жазо ўз-ўзидан (автоматик равишда) қўлланилмайди.

ELEKTRON HUKUMAT LOYIHALARINI BOSHQARISH MARKAZI HUZURIDAGI
YURIDIK XIZMATI
№ 36/2022
2022 y. « 18 » март

2.10. Томонларнинг мазкур Шартномада кўзда тутилмаган бошқа барча жавобгарлик турлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

3. Низоларни ҳал қилиш тартиби

3.1. Шартномадан келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал қилиш бўйича талабнома юбориш тартиби Томонлар учун мажбурийдир.

3.2. Талабномалар Томонлар тарафидан қоғоз шаклида ёки буюртма почта жўнатмаси билан Томонлар жойлашган жойи бўйича тақдим этилгани тўғрисида хабардор қилиш орқали юборилади.

3.3. Талабномани кўриб чиқиш муддати, у олинган кундан бошлаб 15 (ўн беш) календарь куни ҳисобланади.

3.4. Томонлар зудлик билан тўланиши лозим бўлган ҳал этилмаган барча даъволар бўйича бир-бирларини ёзма равишда дарҳол хабардор қилишлари шарт.

3.5. Мазкур Шартномадан келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилади. Томонлар низо ва келишмовчиликларнинг ўзаро келишув асосида ҳал эта олмаса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро Иқтисодий судига ҳал этиш учун киритадилар.

4. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

4.1. Шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва иккала Томон тарафидан имзоланган бўлса юридик кучга эга бўлади ва Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Томонларнинг келишуви ёки бир Томонлама тартибда Шартнома шартларининг Ижрочи томонидан бузилиши натижасида иш сифати пасайган ҳолатда бўлиши мумкин.

4.3. Шартнома Буюртмачи томонидан муддатидан олдин бекор қилинса, Буюртмачи томонидан Шартнома бўйича қабул қилинган ишларнинг бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажмига мос қиймати тўланади.

4.4. Шартноманинг бекор қилинган санаси деб, Ижрочининг Шартнома бекор қилинганлиги тўғрисидаги хабарни олган санаси ҳисобланади.

5. Алоҳида шартлар

5.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг

"ELEKTRON HUKUMAT LOYIHALARINI BOSHQARISH MARKAZI" DAVLAT MUASSASASI
YURIDIK XIZMATI
№ 36/2022
2022 y. « 18 » mart

коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

5.2. Томонлар шартнома тузишда, шартноманинг амал килиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий харакатларни содир килмасликка келишиб оладилар.

5.3. Томонлар шартномадаги коррупцияга қарши кушимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши буйича хамкорликни таъминлайдилар.

5.4. Ҳар бир Томон шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл куйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги харакатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Томонлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб килинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва Томонлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги харакатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар куради.

5.5. Томонлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек, ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладаи, учиичи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга булиш ёки сақлаб қолиш максадида, юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги Томонларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига конуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини,

"ELEKTRON HUKUMAT LOYIHALARINI BOSHQARISH MARKAZI" DAVLAT MUASSASASI
YURIDIK XIZMATI
№ 36/2022
2022 y. « 18 » март

турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир Томон иккинчи Томонни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

6.6. Томонлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи томонларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан харакат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

- коррупциявий харакатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат Томоннииг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

5.7. Томонлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат киладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

5.8. Агар бир Томонга бошқа Томоннинг коррупцияга қарши кўшимча шартларнинг 6.5 ва 6.6-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи Томонни бу ҳакда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб килиши шарт.

Бир Томоннинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор килмаган

"ELEKTRON HUKUMAT LOYIHALARINI BOSHQARISH MARKAZI" DAVLAT MUASSASASI
YURIDIK XIZMATI
№ 36/2022
2022 y. « 18 » март

тақдирда, ушбу Томон шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Ушбу Шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар икки томондан имзоланган бўлса, қонуний кучга эга ва Шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

6.2. Томонлардан бирининг юридик манзили, реквизитлари ўзгарганда томонлар 3 (уч) календарь куни ичида тегишли ўзгаришлар тўғрисида бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини оладилар.

6.3. Ҳужжатларни тақдим этишда уларни қабул қилиш вақти қуйидагича белгиланади:

- ҳужжатлар почта алоқаси ташкилоти орқали юборилганда - қабул қилинганлиги тўғрисидаги почта хабарномасига мувофиқ қабул қилинган сана;
- бевосита топширилганда - ваколатли вакилнинг ҳужжатларни қабул қилиб олгани тўғрисидаги тилхатининг санаси.

6.4. Шартномада кўзда тутилганидан ташқари барча масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Шартнома, Томонлар тарафидан имзолангандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2. Шартнома икки нусхада, ҳар бир томон учун биттадан ўзбек тилида тузилди.

8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

Ижрочи:	Буюртмачи:
«ALTENCOM LIMITED» МЧЖ Манзил: Ташкент шаҳри, Коракамиш-3, Дом 32-В,. Банк маълумотлари: х/р: 20208000900801515001; СТИР: 305036014; МФО: 01096; Банк номи: "ЧАКБ ORIENT FINANS "Чиланзарский ф-л ; Тел: +99899 010 15 95;	**«Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси** Юридик манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 24-уй Асосий х/р - 20210000905250707001 банк - АТ Алоқабанк Амалиёт ҲКХКМ МФО - 00401 СТИР - 207 322 159 ОКЭД - 84112
_____ **Азизов А.Т.** /имзо/ м.ў.	_____ **Мухитдинов А. Х.** /имзо/ м.ў.

"ELEKTRON HUKUMAT LOYIHALARINI BOSHQARISH MARKAZI" DAVLAT MUASSASASI
YURIDIK XIZMATI
№ 36/2022
2022 y. « 18 » март